

ШАРТНОМА № 482

Наманган шаҳар

«07» ноябрь 2022 йил

«STOCK MARKET BIG TRADE» МЧЖ (қуйи матнда «БАЖАРУВЧИ») номидан корхона директори С. Исломов бир томондан Наманган вилоят Куриклаш бошқармаси раҳбари Х.Э.Абдуллаев иккинчи томондан ушбу шартномани тuzдик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. Мазкур шартномага асосан «Бажарувчи» Антенна мост жихозларини мазкур шартнома шартлари асосида «Буюртмачи» га урнатиб беради. «Буюртмачи» эса махсулотни ва кўрсатилган хизматни қабул қилиб олиш ва ушбу шартномада кўрсатилган муддат ва тартибларда ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. «Буюртмачи» га етказиб бериладиган махсулотнинг номи, техник кўрсаткичлари, миқдори, нархи ва суммаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификацияларда ҳисобланади. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификациялардаги нархлар фақат шу спецификация учун амал қилади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ, ХИЗМАТ КУРСАТИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси шартнома тузилаётган санада 210 549 000 икки юз о'н миллион беш юз қирқ то'ққиз минг) сўмни ташкил этади.
- 2.2. «Буюртмачи» шартнома тузилиб, имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида спецификация (илова) №1 да кўрсатилган махсулотни ва ишларни умумий қийматини 100% миқдорида олдиндан тулов амалга оширилади.
- 2.3. Махсулот ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4. Ўзаро келишув шартномаси имзолангандан сўнг, «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган қиймат ўтказиб берилгандан сўнг, «Бажарувчи» 20 иш куни мобайнида ўрнатиб, соз ҳолатда ишга тушириб бериш мажбуриятини олади. Агарда зарурат бўлса «Буюртмачи» талабига биноан ёки келишилган ҳолда шартномани бажариш муддати ўзгариши мумкин. Шартномани бажариш муддатида об-хаво ва ва шарт шароитлар ҳисобга олинади.
- 2.5. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммадаги кўрсатилган хизмат ва махсулотлар учун «Буюртмачи» билан ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ

- 3.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажариш керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларини таъминласа шартнома бажарилди деб ҳисобланади ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-фактура, далолатнома тузилиб, хизмат ҳақининг олган қисми, агар қолган бўлса 2 (икки) банк иш куни ичида тулик ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.2. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгаришлар томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ киритилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан келган ходимларни иш олиб боришлари учун шароит яратиб беради ва уларни урнатишга амалий ёрдам беради.
- 4.2. «Буюртмачи» бажарилган иш ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштиради ва курсатилган ҳақларни ўз вақтида ўтказиб беришни таъминлайди.
- 4.3. «Бажарувчи» махсулотни «Буюртмачи» талабномаси асосида келишилган жойга урнатиб беради.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 5.1. Хизмат курсатиб бериш кечиктирилган ёки тулик хизмат курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажармаган қисмининг 0,0 % и миқдорида пеня тулайди. Бироқ унда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.2. Махсулот ва курсатилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ туланмаган тақдирда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,0 % миқдорида пеня тулайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% идан ортиқ бўлмаслиги керак.

